

**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ҲАБИБЖОН ҲАМИТОВИЧ

**ҲАҚИҚИЙ ФАКТОРЛАРНИНГ ҚИСМ ФАКТОРЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ИНДЕКСЛАРИ**

01.01.01 – Математик анализ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Болтаев Ҳабибжон Ҳамитович

Ҳақиқий факторларнинг қисм факторлари ва уларнинг индекслари 3

Болтаев Ҳабибжон Ҳамитович

Подфакторы вещественного фактора и их индексы 19

Boltaev Khabibjon Khamitovich

Subfactors of real factors and their indexes 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ҲАБИБЖОН ҲАМИТОВИЧ

**ҲАҚИҚИЙ ФАКТОРЛАРНИНГ ҚИСМ ФАКТОРЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ИНДЕКСЛАРИ**

01.01.01 – Математик анализ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/FM6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://kengash.mathinst.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида тармоғида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Абдуғофур Абдумажидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арзиқулов Фарҳоджон Нематжонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Зайтов Адилбек Атаханович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 46-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, email: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 46-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

У.У.Жамилов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган математика соҳасидаги кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда физиканинг динамик системалари ва квант механикаси, хусусан, бу назариянинг операторлар алгебралари назарияси билан боғлиқлигини ўрганишга келтирилади. Хусусий ҳолларда, кузатилаётган ҳар бир физик системасига H Гильберт фазосида таъсир қилувчи ўз-ўзига қўшма оператор, шунингдек, қаралаётган системанинг ҳар бир ҳолатига эса, бу операторлар алгебрасининг зичлик матрицаси мос келиши маълум. Шундай қилиб, операторлар алгебралари хусусан, C^* ва фон Нейман алгебралари квант механикаси ва динамик системаларининг математик модели бўлиб, бунда олинган ҳар бир натижа квант механикасида ўз талқинига эга. Шунинг учун, операторлар алгебралари ҳам назарий, ҳам татбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ҳақиқий C^* ва фон Нейман қисм алгебраларнинг индекслари ва уларга мос графларнинг хоссаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Комплекс фон Нейман қисм алгебраларнинг индекслари, қисм алгебралар учун уларга мос граф мавжудлиги ва улар учун Марков изи мавжудлигининг зарурий ва етарлилик шарти маълум. Таъкидлаш жоизки, ҳақиқий фон Нейман қисм алгебраларининг индекслари, қисм алгебралар учун граф мавжудлиги ва юқоридан 4 га яқин бўлган чекли факторнинг келтирилмайдиган гиперфинит қисмфакторларига доир мисоллар қуриш масаласи ҳалигача очиқ турибди. Бу борада, ҳақиқий факторларнинг қисм факторларини аниқлаш ва уларга мос иккиламчи графларнинг хоссаларини аниқлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда фундаментал фанлар, жумладан квант механикаси ва физикада татбиқига эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, физик системаларга оид масалаларни математик моделлаштиришда асосий объект ҳисобланган ва квант механикасида кенг татбиқига эга бўлган оператор алгебралари назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда фон Нейман қисм алгебралар индексларига боғлиқ хоссалари ва уларнинг графлар назариясига қўлланилишига доир салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик ва статистик физика» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида комплекс, ҳамда ҳақиқий C^* ва фон Нейман алгебралари, уларнинг графлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср охирларида В.Джонс чекли фон Нейман алгебралари учун индекс тушунчасини киритган ва индекснинг мумкин бўлган қийматларини кўрсатган. У қисм алгебранинг индекс қиймати тўртдан катта ёки аниқ тригонометрик формула орқали ҳисобланишини исботлаган. У бу натижанинг исботида Гекке алгебраси деб аталувчи, ўсувчи чекли факторлар кетма-кетликларини қурган ва бу алгебра ажойиб хоссаларга эга эканлигини кўрсатган. Бундан ташқари, агар фон Нейман алгебрасининг автоморфизмларининг санокли дискрет гуруппаси ва қайсидир қисм гуруппасига чалиштира кўпайтмаси чекли фактор бўлса, у ҳолда қисм фактор индекси қисм гуруппа индекси билан устма-уст тушишини исботлаган. В.Джонс Гекке алгебрасининг чексиз бирлашмасида Марков изларини мавжудлигини исботлаган ва кос (кокиллар) гуруҳи асосида, бу Марков изларини уч ўлчовли фазода тугунларни таснифлаш билан комбинациялаб, тугунлар учун янги полиномиал инвариант қурган. Бошқа томондан ҳар бир фон Нейман қисм алгебралари учун иккиламчи графни мос қуйиб, Марков изининг мавжудлигининг зарурий ва етарлилик шартини топган ва шу орқали фон Нейман қисмалгебраларини графлар тилида ўрганиш мумкинлигини кўрсатган. Бу натижалари учун В.Джонс Киото шаҳрида ўтказилган ХХІ-халқаро математиклар конгрессида Филдс медали билан тақдирланган. Фон Нейман алгебрасининг чекли бўлмаган ҳолатлари учун индекс тушунчасини япон математиги Х.Косаки умумлаштирган.

Фон Нейман қисм алгебраларини ўрганишда қизиқарли бўлган ҳолат келтирилмайдиган қисм факторлардир. Маълумки, агар индекс 4 дан кичик бўлса, у ҳолда қисм фактор келтирилмайдигандир. Индекси 4 дан катта бўлган келтирилмайдиган қисм факторларга доир мисоллар қуриш кўп вақтлар давомида очиқ масала бўлиб қолган. Бу ҳолдаги мисолларни қуриш С.Попанинг ишларида кузатилган, аммо унинг мисоллари гиперфинит бўлмаган қисм факторлардан иборат бўлган. Келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларнинг муҳимлигини сезган ҳолда, бу масала билан салгина

олдинроқ В.Джонс ҳам қизиққан. Шунинг учун кейинроқ Ф.Голдман, Д.Харпе ва В.Джонс графлар ёрдамида индекси 4.73205... бўлган чекли факторнинг бир нечта келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларини куришган. Улар юқоридан 4 га яқин бўлган мисолларни куриш жуда қийинлигини айтиб ўтишган. У.Хаагеруп принципиал ва иккиламчи графлар ёрдамида индекси (4; 4,4...) интервалда бўлган чекли факторнинг бир нечта келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларини қурган. Кейинчалик Хаагеруп-Шое ва Окнеану чекли графлар учун би-унитар боғланма тушунчасини қўллаган ҳолда, чекли факторнинг келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларини ўрганишган ва бунинг натижасида индекси 4.026... га тенг бўлган келтирилмайдиган гиперфинит қисм фактор мавжудлигини кўрсатишган. Ҳозирги вақтгача бу натижа янгиланмаган ва индекси (4; 4,026...) интервалда бўлган келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларга доир мисоллар қурилмаган.

Фон Нейман алгебрасини ўрганишда Р.Пауэрс, Ф.Араки, Р.Вудс, М.Томита, М.Такесаки, У.Хаагеруп ва А.Конндек буюк олимлар тадқиқот олиб боришган, бундан ташқари ҳақиқий фон Нейман алгебраларини ўрганишда биринчи навбатда Ш.Аюпов, Э.Штермер, П.Стаси, Ш.Усманов ва А.Рахимовларнинг ҳиссалари жуда каттадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ФА-Ф1- Ф03 ТФ067 «Квант динамик кўп заррали системалар, операторлар алгебраларида ноассоциатив ва топологик структурлар» (2007-2011 йиллар) ва Тошкент автомобил йўллари институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф-4-51 «Функционал фазоларда Йордан учли системалари ва структуравий анализдаги тақсимот эҳтимолликлари» (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳақиқий S^* ва фон Нейман қисм алгебраларининг индекслари топиш ва уларга мос графларнинг юқоридан тўртга яқин бўлган чекли факторнинг келтирилмайдиган гиперфинит қисм факторларини куриш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳақиқий факторлар индекслари тушунчаси билан қамровчи фактор индекси тушунчаси орасидаги боғлиқликни топиш;

чекли ҳақиқий фактор қисм факторларининг индекси қабул қилиши мумкин бўлган қийматлари тўпламини топиш;

индекснинг ҳақиқий ҳолда ўринли бўлган хоссаларини кўрсатиш ва ҳақиқий қисм факторлар учун ўринли бўлмаган хоссаларини аниқлаш;

ҳақиқий қисм факторлар учун графлар куриш схемасини кўрсатиш ва улар билан қамровчи қисм факторлар графлари орасидаги фарқларни аниқлаш;

юқоридан тўртга яқин индексли, чекли ҳақиқий факторларнинг келтирилмайдиган гиперфинитли ҳақиқий қисм факторлар мавжудлигини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти Гильберт фазосида аниқланган чизиқли чегараланган операторлар, ҳақиқий ва комплекс C^* ва фон Нейман алгебраларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети операторлар алгебралар ва функционал анализ назарияси, ҳақиқий C^* ва фон Нейман алгебралар ва келтирилмайдиган гиперфинит ҳақиқий қисм факторлар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал анализ, математик анализ ва операторлар алгебралари назариясининг қамровчи алгебрага ўтиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳақиқий факторлар ҳамда қамровчи факторларнинг индекс тушунчалари орасидаги боғланишни ифодаловчи теорема исботланган ва чекли ҳақиқий факторнинг ҳақиқий қисм факторлари индексининг қабул қилиши мумкин бўлган қийматлари тўплами топилган;

қамровчи фактор индекси учун ўринли бўлган хоссаларнинг ҳақиқий ҳолда ҳам ўринли бўлиши исботланган ва ҳақиқий қисм факторлар учун ўринли бўлмаган хоссалар кўрсатилган;

ҳақиқий қисм факторлар учун графлар қуриш схемаси кўрсатилган ва бу графлар билан қамровчи қисм факторлар графлари орасидаги фарқлар аниқланган;

юқоридан тўртга яқин индексли, чекли ҳақиқий факторларнинг келтирилмайдиган гиперфинитли ҳақиқий қисм факторлар мавжудлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳақиқий C^* ва фон Нейман алгебраларнинг таснифи квант механикаси ва математик физикада вужудга келадиган квант заррачаларини аниқлаш масалаларини ечишда қўлланилган;

ҳақиқий фон Нейман алгебраларига оид натижалардан Каплан алгебралари учун дифференциаллашларни таснифлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ ва операторлар алгебралари назарияси усулларида, ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳақиқий факторларнинг қисм факторларини топиш, унга мос индекс қийматларини аниқлаш ва иккиламчи графлар қуриш масалалари операторлар алгебраси назариясини ривожлантиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар квант статистик механикаси ва квант динамик системасидаги баъзи муаммоларни ҳал қилишда амалий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳақиқий фон Нейман факторлар ва уларнинг индекслари бўйича олинган натижалар асосида:

ҳақиқий қисм факторлар учун графлар қуриш схемасини кўрсатиш ва қамровчи қисм факторлар графлари орасидаги мумкин бўлган фарқларидан № 20-01-00173 рақамли “Бир жинсли бўлмаган муҳитни томография қилиш

моделлари ва алгоритми” мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида моделлар ва алгоритмлар тузишда фойдаланилган (Амалий математика институти, Узоқ Шарқ филиалининг 2021 йил 30 апрелдаги маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши графлар ёрдамида компьютер томографияси моделларини қуриш имконини берган;

юқоридан тўртга яқин индексли чекли ҳақиқий факторларнинг келтирилмайдиган гиперфинит ҳақиқий қисм факторларидан ОТ-Ф4-31 рақамли “Нокоммутатив модулар, Лейбниц алгебралари ва симплексада полиномиал каскадлари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада симплексада полиномиал каскадларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Университети 2021 йил 5 майдаги маълумотномаси). Илмий натижани қўлланилиши комплекс ва ҳақиқий ҳолда олинган натижалар орасидаги боғлиқликлар ва фарқларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чекли ҳақиқий факторнинг индекси**» деб номланувчи биринчи бобида тадқиқотда фойдаланадиган комплекс ва ҳақиқий W^* -алгебралар ҳақидаги таърифлар ва тушунчалар келтирилган, бундан ташқари комплекс ва ҳақиқий Нейман – Мюррейнинг жуфтлик константалари орасидаги боғлиқлиги ўрганилган, ҳамда чекли ҳақиқий фактор индекси қабул қилувчи қийматлари топилган.

$B(H)$ – H Гильберт фазосида аниқланган чизикли чегараланган операторлар алгебраси бўлсин ва $1 - B(H)$ нинг бирлик элементи ва

$M - B(H)$ нинг $*$ -қисм алгебраси бўлсин. $M' = \{a \in B(H) : ba = ab, \forall b \in M\}$ тўпلام M нинг *коммутант*и дейилади. Агар $M = M''$ ($M'' = (M')'$) бўлса, у ҳолда $M -$ *фон Нейман алгебраси* дейилади. Маълумки, бикоммутант теоремасига кўра, $M -$ фон Нейман алгебраси бўлиши учун $M - W^*$ -алгебра, яъни $M -$ кучсиз ёпиқ ва $1 \in M$ бўлиши зарур ва етарли. M нинг ҳамма элементлари билан ўрин алмашувчи $Z(M)$ тўпلامга M алгебранинг *маркази* дейилади. Таърифга кўра,

$$Z(M) = \{x \in M \mid xy = yx, \forall y \in M\}.$$

M алгебранинг ҳамма марказий элементлари $\lambda \cdot 1$, $\lambda \in \mathbb{C}$ кўринишда бўлса, у ҳолда M *фактор* дейилади. Агар $\alpha : M \rightarrow M$ чизиқли акслантириш ва $\forall x, y \in M$ учун $\alpha(x^*) = \alpha(x)^*$ ва $\alpha(xy) = \alpha(x)\alpha(y)$ (мос равишда $\alpha(xy) = \alpha(y)\alpha(x)$) тенгликлар бажарилса, у ҳолда бу акслантириш $*$ -*автоморфизм* (мос равишда $*$ -*анти автоморфизм*) дейилади, шунингдек, агар $\forall x \in M$ учун $\alpha^2(x) = \alpha(\alpha(x)) = x$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда бундай α *инволютив* дейилади. Агар $R \subset B(H) -$ ҳақиқий $*$ -қисм алгебра бўлса, у ҳолда R да коммутант комплекс ҳолдагига ўхшаш аниқланади ва бунинг учун $(R + iR)' = R' + iR'$ тенглик ўринли бўлади. Агар $R = R''$ бўлса, у ҳолда R *ҳақиқий фон Нейман алгебраси* дейилади.

$R -$ ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. R ни ўзида сақловчи энг кичик W^* -алгебра $U(R)$, R нинг *қамровчи W^* -алгебраси* дейилади. У ҳолда, $U(R) = R + iR$. Бундан ташқари, ихтиёрий R ҳақиқий W^* -алгебра қамровчи W^* -алгебранинг α_R инволютив $*$ -антиавтоморфизмини ҳосил қилади, яъни $\alpha_R(x + iy) = x^* + iy^*$, бу ерда $x + iy \in U(R)$, $x, y \in R$ ва аксинча, агар W^* -алгебра U да α -инволютив $*$ -антиавтоморфизм берилган бўлса, у ҳолда $\{x \in U : \alpha(x) = x^*\}$ тўпلام ҳақиқий W^* -алгебра бўлади. Агар $R -$ ҳақиқий W^* -алгебранинг маркази $1 \cdot \mathbb{R} = \{\lambda 1, \lambda \in \mathbb{R}\}$ билан устма-уст тушса, у ҳолда R *ҳақиқий фактор* дейилади; R алгебранинг қамровчи W^* -алгебра $I_n, I_\infty, II_1, II_\infty$ ёки III типли бўлса, у ҳолда мос равишда, бу типлар R нинг ҳам типли бўлади.

Фараз қилайлик, $M -$ чекли фактор, $\alpha - M$ алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизми ва $\tau - M$ алгебрада ягона α -инвариантли аниқ нормал чекли из бўлсин. $L^2(M)$ орқали M алгебранинг $\|x\|_2 = \tau(x^*x)^{1/2}$ нормага нисбатан тўлдирувчисини белгилаймиз.

Худди шундай, $L^2(M, \alpha)$ орқали (M, α) ҳақиқий факторнинг тўлдирувчисини белгилаймиз. У ҳолда, $L^2(M)$ Гильберт фазоси бўлади ва бунинг учун $L^2(M) = L^2(M, \alpha) + iL^2(M, \alpha)$ тенглик ўринли. Худди шу каби, $B(L^2(M))$ алгебра $B(L^2(M)) = B_r(L^2(M, \alpha)) + iB_r(L^2(M, \alpha))$ тенгликка эга. Ҳар бир $x \in M$ учун қуйидаги акслантиришни қараймиз: $\lambda(x)y = xy, \forall y \in M$.

$\|\lambda(x)y\|_2 \leq \|x\| \cdot \|y\|_2$ тенгсизликка кўра, λ акслантириш $L^2(M)$ да чизикли чегараланган оператор бўладиган ягона давомга эга ва уни яна $\lambda(x)$ орқали белгилаймиз. У ҳолда, M алгебранинг $(\lambda, L^2(M))$ аниқ W^* -тасвирига эга бўламиз. Худди шундай, λ_r акслантиришни $\lambda_r(x)y = xy$ ($\forall x, y \in (M, \alpha)$) тенглик билан аниқлаб, (M, α) алгебранинг $(\lambda_r, L^2(M, \alpha))$ аниқ W^* -тасвирини ҳосил қиламиз.

1-тасдиқ. $\beta(\lambda_x) = \lambda_{\alpha(x)}$ кўринишида аниқланадиган $\beta: \lambda(M) \rightarrow \lambda(M)$ акслантириш $\lambda(M)$ да инволютив $*$ -антиавтоморфизм бўлади ва бунинг учун $(M, \alpha)_\beta = \lambda_r(M, \alpha)$ тенглик ўринли бўлиб, бу ерда $(M, \alpha)_\beta = \{\lambda_x \in \lambda(M) : \beta(\lambda_x) = \lambda_x^*\}$ — β $*$ -антиавтоморфизм орқали ҳосил қилинган ҳақиқий W^* -алгебрадир, яъни $(M, \alpha)_\beta = (\lambda(M), \beta)$.

1-натижа. W^* -алгебра $\lambda(M)$ ҳақиқий W^* -алгебра $\lambda_r(M, \alpha)$ нинг комплексификациясидир, яъни $\lambda_r(M, \alpha) + i\lambda_r(M, \alpha) = \lambda(M)$. Бундан ташқари, $\{\lambda_r, L^2(M, \alpha)\}$ жуфтлик (M, α) ҳақиқий W^* -алгебранинг ҳақиқий аниқ W^* -тасвири бўлади.

Бу тасвири (M, α) алгебранинг каноник W^* -тасвири деб атаимиз.

Ихтиёрий $x \in M$ учун $\|x\|_2 = \|x^*\|_2$ тенглик ўринли эканлигидан, $J: x \rightarrow x^*$ акслантиришни $L^2(M)$ даги қўшма чизикли изометрияга ягона равишда давом эттириш мумкин ва бу давомни яна J орқали белгилаймиз.

Маълумки, Томита-Такесакининг модуляр назарияси фон Нейман алгебра назариясида, хусусан, III-типли факторларни таснифлашда жуда муҳим роль ўйнайди. Бу назарияга кўра,

$$\lambda(M)' = J\lambda(M)J \text{ ва } \lambda(M) = J\lambda(M)'J.$$

J — модуляр қўшма чизикли изометрияни қўллаган ҳолда, 1-тасдиқ ва 1-натижага ўхаш қуйидаги теоремага эга бўламиз.

2-тасдиқ. $\beta'(\cdot) = J\beta(J \cdot J)J$ кўринишида аниқланувчи $\beta': \lambda(M)' \rightarrow \lambda(M)'$ акслантириш $\lambda(M)'$ алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизми бўлади. Бундан ташқари,

$$\lambda_r(M, \alpha)' = \{\lambda_{x'} \in \lambda(M)' : \beta'(\lambda_{x'}) = \lambda_{x'}^*\}$$

тўплам ҳақиқий W^* -алгебра ва W^* -алгебра $\lambda(M)'$ ҳақиқий W^* -алгебра $\lambda_r(M, \alpha)'$ нинг комплексификацияси бўлади, яъни

$$\lambda_r(M, \alpha)' + i\lambda_r(M, \alpha)' = \lambda(M)'.$$

$\lambda_r(M, \alpha)'$ ва $\lambda_r(M, \alpha)$ алгебралар орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд.

3-тасдиқ. $\lambda_r(M, \alpha)'$ – ҳақиқий W^* -алгебра ҳақиқий W^* -алгебра $\lambda_r(M, \alpha)$ нинг $B_r(L^2(M, \alpha))$ алгебрага нисбатан коммутанти бўлади, яъни $\lambda_r(M, \alpha)' = \{ \lambda_x \in B_r(L^2(M, \alpha)) : \lambda_x \lambda_y = \lambda_y \lambda_x, \forall \lambda_y \in \lambda_r(M, \alpha) \}$.

Каноник тасвир ва аниқ, айнимаган W^* -тасвир орасида қуйидаги муносабат ўринли:

1-теорема. $M_1 \subset B(H_1)$ ва $M_2 \subset B(H_2)$ – W^* -алгебралар ва $\alpha_i - M_i$ -алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизми, $i=1,2$. Агар $\Phi \circ \alpha_1 = \alpha_2 \circ \Phi$ шартни қаноатлантирувчи $\Phi : M_1 \rightarrow M_2$ – нормаль $*$ -гомоморфизми бўлса, у ҳолда $\Phi = \Phi_3 \circ \Phi_2 \circ \Phi_1$, бу ерда

1) $\Phi_1 : M_1 \rightarrow M_1 \bar{\otimes} \mathbb{C}1_L - \Phi(a) = a \otimes 1_L$ кўринишида аниқланган ва $\Phi_1 \circ \alpha_1 = \tilde{\alpha}_1 \circ \Phi_1$ тенгликни қаноатлантирувчи $*$ -гомоморфизм, бунда $1_L - L$ Гильберт фазосида аниқланган бирлик оператор ва $\tilde{\alpha}_1 = \alpha_1 \otimes id$;

2) $\Phi_2 : M_1 \bar{\otimes} \mathbb{C}1_L \rightarrow (M_1 \bar{\otimes} \mathbb{C}1_L)p' - \Phi_2(a \otimes 1_L) = (a \otimes 1_L)p'$ кўринишида аниқланган ва $\Phi_2 \circ \tilde{\alpha}_1 = \bar{\alpha}_1 \circ \Phi_2$ тенгликни қаноатлантирувчи $*$ -гомоморфизм бўлади, бунда $p' \in (M_1 \bar{\otimes} \mathbb{C}1_L)'$ – $\tilde{\alpha}_1'(p') = p'$ шартни қаноатлантирувчи проектор ва $\tilde{\alpha}_1' = J_1 \tilde{\alpha}_1 (J_1(\cdot)J_1)J_1 \otimes id$, $\bar{\alpha}_1(\cdot p') = \tilde{\alpha}_1(\cdot)p'$;

3) $\Phi_3 : (M_1 \bar{\otimes} \mathbb{C}1_L)p' \rightarrow M_2 - \Phi_3 \circ \tilde{\alpha}_1 = \alpha_2 \circ \Phi_3$ шартни қаноатлантирувчи $*$ -изоморфизмдир.

2-теорема. M – чекли фактор ва $\alpha - M$ алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизми бўлсин. Агар $\{\pi, H\} - M$ алгебранинг аниқ, айнимаган W^* -тасвири ва $\pi \circ \alpha = \tilde{\alpha} \circ \pi$ ўринли бўлса, бу ерда $\tilde{\alpha} - \pi(M)$ алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизми, у ҳолда $p' \in (\lambda_r(M, \alpha) \otimes 1_{K_r})'$ проектор ва $u : H_r \rightarrow p'(L^2(M, \alpha) \otimes K_r)$ унитар оператор мавжуд бўлиб, улар учун

$$u\pi(x) = (\lambda(x) \otimes 1_K)u \quad x \in M,$$

яъни, $\pi(M, \alpha) = (\pi(M), \tilde{\alpha})$ ва $(\lambda_r(M, \alpha) \otimes 1_{K_r})p'$ – ҳақиқий W^* -алгебралар фазовий $*$ -изоморфдир; бу ерда K_r – ҳақиқий сепарабель чексиз ўлчамли Гильберт фазосидир ва $K = K_r + iK_r$.

$\{\pi, H\} - M$ нинг аниқ айнимаган W^* - тасвири ва $\pi \circ \alpha = \tilde{\alpha} \circ \pi$, бу ерда $\tilde{\alpha} - \pi(M)$ алгебранинг инволютив $*$ -анитиавтоморфизми бўлсин, у ҳолда $(\pi(M), \tilde{\alpha})' + i(\pi(M), \tilde{\alpha})' = \pi(M)'$. $\pi(M)'$ алгебранинг ярим чекли бўлишидан, $(\pi(M), \tilde{\alpha})'$ ҳақиқий фактор ҳам ярим чеклидир. Шундай қилиб, $\pi(M)'_+$ – алгебрада ягона аниқ нормал ярим чекли $\tilde{\alpha}$ -инвариант из мавжуд. Алгебра $\pi(M)'_+$ да табиий $\tilde{\alpha}$ -инвариант изни қуйидагича аниқлаймиз.

(i). Фараз қилайлик, $\{\pi, H\} = \{ \lambda \otimes 1, L^2(M) \otimes K \}$, бу ерда K – санокли чексиз ўлчамли Гильберт фазо. У ҳолда, $(\lambda(M) \otimes 1_K)' = J \lambda(M) J \bar{\otimes} B(K) -$

W^* -алгебра чексиз ва (M, α) – ҳақиқий фактор учун куйидаги тенгликлар ўринли

$$\begin{aligned} \{\pi|_{(M, \alpha)}, H_r\} &= \{\lambda_r \otimes \mathbf{1}, L^2(M, \alpha) \otimes K_r\}, \\ (\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})' &= J \lambda_r(M, \alpha) J \bar{\otimes} B(K_r) \end{aligned}$$

бу ерда K_r – ҳақиқий Гильберт фазоси ва $K_r + iK_r = K$. Кейинчалик, қулайлик учун, $\pi|_{(M, \alpha)}$ ўрнига қисқача π деб ёзамиз. K да $\{e_i\}_{i \in \Lambda}$ – ортогонал нормал базисни танлаб оламиз, бу ерда $|\Lambda| = \dim_{\mathbb{C}} K$. У ҳолда, ҳар бир $t' \in (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'$ элементни ягона равишда куйидаги кўринишда $t' = (J \lambda(x_{ij}) J)$ ифодалаш мумкин, бу ерда $x_{ij} \in M$, $\forall i, j$. Агар $t' \in (\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})'$ ва $\tilde{\alpha}'(t') = (t')^*$, у ҳолда $x_{ij} \in (M, \alpha)$, яъни $\alpha(x_{ij}) = x_{ij}^*$, $\forall i, j$ тенглик ўринли эканлигини осон кўрсатиш мумкин. Табиий из куйидаги тенглик билан аниқланади:

$$Tr'_{L^2(M) \otimes K}(t') = \sum_{i \in \Lambda} \tau(x_{ii}), \quad t' = (J \lambda(x_{ii}) J) \in (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'_{+},$$

бу ерда τ – M да аниқланган ягона аниқ нормал α -инвариант из. Осон кўрсатиш мумкинки, $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K} \{e_i\}$ изнинг танланишига боғлиқ эмас ва $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K} - (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'_{+}$ алгебранинг аниқ ярим чекли нормал изидир. Бундан ташқари,

$$\begin{aligned} (Tr'_{L^2(M) \otimes K} \circ \tilde{\alpha}')(t') &= Tr'_{L^2(M) \otimes K}(\tilde{\alpha}'(t')) = Tr'_{L^2(M) \otimes K}((t')^*) = \sum_i \tau(x_{ii}^*) = \\ &= \sum_i \tau(\alpha(x_{ii})) = \sum_i (\tau \circ \alpha)(x_{ii}) = \sum_i \tau(x_{ii}) = Tr'_{L^2(M) \otimes K}(t'), \end{aligned}$$

у ҳолда $Tr'_{L^2(M) \otimes K}$ – $\tilde{\alpha}'$ -инвариантдир. Энди $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}$ (ҳақиқий) изни куйидагича аниқлаймиз:

$$Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}(t') = \sum_i \tau(x_{ii}), \quad t' = (J \lambda(x_{ii}) J) \in (\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})'_{+},$$

изнинг таърифига кўра

$$Tr'_{L^2 M \otimes K}|_{(\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})'} = Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}$$

яъни $Tr'_{L^2 M \otimes K}$ из $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}$ изнинг чизиқли давомидир.

(ii). Умумий ҳолда, ихтиёрий аниқ айнамаган $\{\pi, H\}$ W^* -тасвири M алгебрада куйидаги $\pi \circ \alpha = \tilde{\alpha} \circ \pi$ шартни қаноатлантиради, 2-теоремага асосан $p' \in (\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})'$ проектор ва $u: H_r \rightarrow p'(L^2(M, \alpha) \otimes K_r)$ унитар оператор мавжудки, улар учун

$$u \pi(x) u^* = (\lambda(x) \otimes \mathbf{1}_K) p', \quad x \in M,$$

тенглик ўринли, бу ерда K_r – ҳақиқий Гильберт фазоси ва $K = K_r + iK_r$.
У ҳолда табиий из қуйидагича аниқланади:

$$Tr'_H(t') = Tr'_{L^2(M) \otimes K}(ut'u^*), \quad t' \in \pi(M)'_+.$$

Бундан ташқари, Tr'_H – акслантириш u ва p' элементларнинг танланишига боғлиқ эмас ва $\pi(M)'_+$ алгебрада аниқ нормал изни ташкил этади. $\tilde{\alpha}'(u) = u^*$ тенгликдан Tr'_H из $\tilde{\alpha}'$ -инвариантдир. Шунга ўхшаш, (ҳақиқий) $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}$ из қуйидагича аниқланади

$$Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}(ut'u^*) = Tr'_{L^2(M) \otimes K}(ut'u^*), \quad t' \in (\pi(M), \tilde{\alpha})'_+$$

ва изларнинг таърифидан қуйидагича эга бўламиз

$$Tr'_H \Big|_{(\pi(M), \tilde{\alpha})'} = Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}.$$

Агар $Tr'_{L^2(M, \alpha) \otimes K_r}$ изни қуйидагича Tr'_H кўринишида белгиласак, у ҳолда

$$Tr'_H = Tr'_H \Big|_{(\pi(M), \tilde{\alpha})'}$$

тенгликка эга бўламиз. Шунга ўхшаш, $Tr'_H \Big|_{(\pi(M), \tilde{\alpha})'}$ – $(\pi(M), \tilde{\alpha})'$ алгебрада аниқ нормал ярим чекли издир.

1-таъриф. $\dim_{(M, \alpha)}(H_r) = Tr'_{H_r}(\mathbf{1})$ сон H_r га нисбатан $(\pi(M), \tilde{\alpha})$ ва $(\pi(M), \tilde{\alpha})'$ алебралар орасидаги *жуфтлик доимийси* дейилади, бу ерда H_r – ҳақиқий Гильберт фазоси ва қуйидаги тенглик ўринли:

$$H_r + iH_r = H \text{ и } (M, \alpha) \subset B(H_r) \subset B(H_r) + iB(H_r) = B(H).$$

(iii). Энди, $\{\pi, H\} = \{\lambda \otimes \mathbf{1}, L^2(M) \otimes K\}$ тасвирда бошқа базисни қараймиз. Яъни K фазода $\{f_i\}_{i \in \Lambda'}$ ҳақиқий ортогонал нормал базисни қараймиз, бу ерда $|\Lambda'| = \dim_{\mathbb{R}} K$ бўлсин. У ҳолда $t' \in (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'$ ҳар бир элементни ягона равишда қуйидаги кўринишда $t' = (J\lambda(x_{ij})J)$ тасвирлаш мумкин, бу ерда $x_{ij} \in M$, $\forall i, j$ учун. Агар $t' \in (\lambda_r(M, \alpha) \otimes \mathbf{1}_{K_r})'$, яъни $\tilde{\alpha}'(t') = (t')^*$, у ҳолда, $x_{ij} \in (M, \alpha)$ тегишлилигини кўрсатиш қийин эмас, яъни ушбу тенглик $\alpha(x_{ij}) = x_{ij}^*$, $\forall i, j$ учун ўринли. Қуйидагилар ўринлидир:

$$Tr'_{L^2(M) \otimes K}(t') = \sum_{i \in \Lambda'} \tau(x_{ii}), \quad t' = (J\lambda(x_{ij})J) \in (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'_+.$$

Маълумки, $Tr'_{L^2(M) \otimes K} - (\lambda(M) \otimes \mathbf{1}_K)'_+$ алгебрада аниқ нормал ярим чекли из бўлади. Бундан ташқари, бу из $\tilde{\alpha}'$ -инвариандир. Шунга ўхшаш, $Tr'_{L^2(M) \otimes K}$ изнинг $\{f_i\}$ системаларнинг танланишига боғлиқ эмаслигини кўрсатиш мумкин. Қуйидаги тенгликдан $u\pi(x)u^* = (\lambda(x) \otimes \mathbf{1}_K)p'$ ($x \in M$) кейинги тенгликка эга бўламиз:

$$tr'_H(t') = tr'_{L^2(M) \otimes K}(ut'u^*), \quad t' \in \pi(M)'_+.$$

Таърифдан tr'_H из u ва p' ларнинг танланишига боғлиқ эмас ва бу из $\tilde{\alpha}'$ - инвариандир.

$\{\pi, H\}$ – M алгебранинг аниқ хосмас W^* -тасвири бўлсин ва $\pi \circ \alpha = \tilde{\alpha} \circ \pi$, бу ерда $\tilde{\alpha}$ – $\pi(M)$ алгебранинг инволютив $*$ -антиавтоморфизмдир.

2-таъриф. $\dim_{(M, \alpha)} = tr'_H(\mathbf{1})$ сон H га нисбатан $(\pi(M), \tilde{\alpha})$ ва $(\pi(M), \tilde{\alpha})'$ ҳақиқий W^* -алгебралар орасидаги *жуфтлик доимийси* дейилади.

Юқорида келтирилган таърифлардан ушбу $\dim_{(M, \alpha)}(H_r)$, $\dim_{(M, \alpha)}(H)$ ва $\dim_M(H)$ сонлар орасида қуйидаги тенгликлар ўринли

3-теорема. Қуйидаги тенглик ўринли:

$$\dim_M(H) = \dim_{(M, \alpha)}(H_r) = \frac{1}{2} \dim_{(M, \alpha)}(H).$$

$N \subset M$ – қисм фактор бўлсин ва $\alpha(N) \subset N$. Қуйидаги $R = (M, \alpha)$ ва $Q = (N, \alpha)$ ҳақиқий факторларни қараймиз. $\dim_Q(L^2(R))$ сон Q ҳақиқий қисм факторнинг R ҳақиқий фактордаги индекси дейилади ва қуйидагича $[R:Q]$ ёки $[(M, \alpha):(N, \alpha)]$ белгиланади.

Диссертация ишининг асосий натижаларидан бири қуйидаги теоремалардир. Бу теоремаларда ҳақиқий қисм факторларнинг комплекс қисм факторлар орасидаги боғлиқлигини кўрсатади ва ҳақиқий қисм фактор индекснинг мумкин бўлган қийматлари келтирилган.

4-теорема. Қуйидаги тенглик ўринли:

$$[(M, \alpha):(N, \alpha)] = [M:N], \text{ яъни } [R:Q] = [R + iR:Q + iQ].$$

5-теорема. Индекснинг мумкин бўлган қийматлари учун қуйидаги тасдиқ ўринли:

$$[(M, \alpha):(N, \alpha)] = 4 \cos^2(\pi/q) \quad (q \geq 3) \text{ ёки } [(M, \alpha):(N, \alpha)] \geq 4,$$

$$\text{яъни } [R:Q] = 4 \cos^2(\pi/q) \quad (q \geq 3), \text{ ёки } [R:Q] \geq 4.$$

« σ -чекли ҳақиқий факторнинг индекси» деб номланувчи диссертациянинг иккинчи бобида, ихтиёрий ҳақиқий қисм факторлар учун индекс тушунчаси ўрганилган. M^+ – M -алгебранинг кенгайтирилган мусбат қисми ва шунга ўхшаш $R^+ - R = (M, \alpha)$ -алгебранинг кенгайтирилган мусбат қисми бўлсин. Маълумки, $R^+ \subset M^+$. Агар $Q \subset R$ – ҳақиқий W^* -қисм алгебра бўлса, у ҳолда $T(uxu^*) = yT(x)y^*$, $x \in R^+$, $y \in Q$ кўринишида аниқланувчи $T:R^+ \rightarrow Q^+$ чизиқли акслантириш R алгебрада оператор-қийматли вазн

дейилади. T акслантиришнинг ягона равишда $\bar{T}:R^+ \rightarrow Q^+$ акслантиришга давом эттирилишини кўрсатиш мумкин.

Агар $N(\subset M)$ – W^* -қисм алгебра бўлса, у ҳолда M алгебрадаги ҳамма нормал аниқ ярим чекли оператор-қийматли вазни қуйидагича $P(M, N)$ белгилаймиз, $P(R, Q)$ – орқали эса R алгебрадаги ҳамма нормал аниқ ярим чекли оператор-қийматли вазни белгилаймиз.

6-теорема. $P(M, N) = P(R + iR, Q + iQ) \neq \emptyset \Leftrightarrow P(R, Q) \neq \emptyset \Leftrightarrow P(R', Q') \neq \emptyset$

M – σ -чекли (яъни жуфт-жуфти билан ортогонал эквивалент проекторлар сони саноқлидан кўп эмас) фактор, $N \subset M$ – қисм фактор ва $\alpha(N) \subset N$. $E:R \rightarrow Q$ – нормал шартли кутилма бўлсин. $M = R + iR$ W^* -алгебрада E нинг давомини $\bar{E}$ кўринишида белгилаймиз. E акслантириш оператор-қийматли вазн бўлганлигидан, 6-теоремага асосан унга қандайдир бошқа акслантириш $E^{-1} \in P(Q', R')$ мос келади. $\bar{E}^{-1} = \overline{E^{-1}}$ тенгликнинг бажарилишини осон кўрсатиш мумкин. Таърифга асосан, $\bar{E}(1) = E(1) = 1$. Лекин, умумий ҳолда, $\bar{E}^{-1}(1) = E^{-1}(1)$ 1 га скаляр каррали, яъни $E^{-1}(1) = \lambda 1$ ($\lambda = +\infty$ бўлиши ҳам мумкин).

3-таъриф. $E^{-1}(1)$ скаляр сон $Q = (N, \alpha)$ ҳақиқий қисм факторнинг $R = (M, \alpha)$ ҳақиқий фактордаги индекси дейилади ва қуйидагича $[R:Q]$ ёки $[(M, \alpha):(N, \alpha)]$ белгиланади.

Бу бобнинг асосий натижаларидан бири қуйидаги теорема ҳисобланади.

7-теорема. M – σ - чекли фактор ва α – M алгебранинг инволютив *-антиавтоморфизми бўлсин. Агар $N \subset M$ – қисм фактор ва $\alpha(N) \subset N$ бўлса, у ҳолда $(N, \alpha) = Q \subset R = (M, \alpha)$ – ҳақиқий факторлар учун

$$[(M, \alpha):(N, \alpha)] = [M:N], \text{ яъни } [R:Q] = [R + iR:Q + iQ], \text{ ва}$$

$$[(M, \alpha):(N, \alpha)] = 4 \cos^2(\pi/q) (q \geq 3) \text{ ёки } [(M, \alpha):(N, \alpha)] \geq 4 \text{ ўринли.}$$

Қуйидаги қизиқарли хосса ўринлидир.

8-теорема. R – II_1 типли ҳақиқий фактор бўлсин. Агар $Q \subset R$ гиперфинитли қисм фактор ва $[R:Q] < \infty$ ўринли бўлса, у ҳолда R – фактор ҳам гиперфинитли бўлади.

9-теорема. R – II_1 турли ҳақиқий фактор ва $Q \subset R$ – қисм фактор. Агар $[R:Q] < \infty$ бўлса, у ҳолда $Q' \cap R$ – ҳақиқий W^* -алгебра чекли ўлчамлидир. Хусусий ҳолда, агар $[R:Q] < 4$ бўлса, у ҳолда $Q' \cap R = \mathbb{R} \cdot 1$, яъни Q – келтирилмайдиган қисм фактор бўлади.

« **W^* -қисм алгебралар ва уларнинг графлари**» деб номланувчи диссертациянинг учинчи боби C^* -ҳақиқий қисм алгебраларнинг бир бирига жойлаштириш матрицалари ва уларга мос графларини ўрганишга бағишланган. $A \subseteq B$ – чекли ўлчамли ҳақиқий C^* -алгебра бўлсин. У ҳолда

бизга маълумки $A \cong \bigoplus_{i=1}^k M_{n_i}(F)$ ва $B \cong \bigoplus_{j=1}^l M_{m_j}(F)$, бу ерда $F = \mathbb{R}, \mathbb{C}$ ёки $\mathbb{H}$ (кватернионлар жисми). $\vec{n} = (n_1, \dots, n_k)$ ва $\vec{m} = (m_1, \dots, m_l)$ векторлар мос равишда A ва B алгебраларнинг ўлчовли векторлари бўлсин. $\Lambda_{ij} - k \times l - \Lambda_A^B$ матрицанинг элементларини қуйидагича аниқлаймиз: $\Lambda_{ij} - A$ нинг i -қўшилувчиси билан B нинг j -қўшилувчисининг иккита учини туташтирувчи қирралар сони.


1-мисол. $B = M_7(\mathbb{R}) \oplus M_5(\mathbb{R}) \oplus M_2(\mathbb{R})$ ва $A = M_2(\mathbb{R}) \oplus \mathbb{R}$ алгебралар берилган бўлсин. $A \subset B$ алгебраларни жойлаштиришни қуйидагича аниқлаймиз:

$$(x, y) \mapsto \left(\begin{pmatrix} x & 0 & 0 & 0 \\ 0 & x & 0 & 0 \\ 0 & 0 & x & 0 \\ 0 & 0 & 0 & y \end{pmatrix} \oplus \begin{pmatrix} x & 0 & 0 \\ 0 & x & 0 \\ 0 & 0 & y \end{pmatrix} \oplus \begin{pmatrix} y & 0 \\ 0 & y \end{pmatrix} : x \in M_2(\mathbb{R}), y \in \mathbb{R} \right)$$

A -тасвирнинг $M_2(\mathbb{R})$ ва $\mathbb{R}$ қўшилувчилари B -тасвирнинг 1-қўшилувчисиди мос равишда 3 ва 1 марта иштирок этяпти, у ҳолда $\Lambda_{11} = 3$ ва $\Lambda_{21} = 1$; B -тасвирнинг 2-қўшилувчисиди 2 ва 1 марта иштирок этгани учун мос равишда $\Lambda_{12} = 2$ и $\Lambda_{22} = 1$. Худди шу тарзда, $\Lambda_{13} = 0$ и $\Lambda_{23} = 2$. Шундай келиб чиқиб, бу жойлаштириш орқали қуйидаги матрицага эга бўламиз:

$\Lambda_A^B = \begin{pmatrix} 3 & 2 & 0 \\ 1 & 1 & 2 \end{pmatrix}$. Λ_A^B матрица ёрдамида бу жойлаштиришга мос қуйидаги

графни курамиз. Графнинг юқори ва қуйи учлари мос равишда A ва B тасвирларнинг қўшилувчилар сонидан ташкил топган. Улар мос равишда $\vec{n}$ ва $\vec{m}$ векторларнинг координаталари бўйича рақамланади. Иккита учни бирлаштирувчи қирралар сони Λ_{ij} сони билан аниқланади. Масалан $\Lambda_{11} = 3$ бўлган учун 2 рақамли юқори уч ва 7 рақамли қуйи уч орасидаги қирралар сони 3 га тенг. Шундай қилиб матрица Λ_A^B га қуйидаги граф мос келади:



Қуйидаги жойлаштириш ягона эмас.

10-теорема. $P \subset R$ — ҳақиқий W^* -алгебралар учун, умумий ҳолда қуйидаги тенгсизлик ўринли $\Lambda_P^R \neq \Lambda_{P+iP}^{R+iR}$.

Комплекс ҳолда қуйидаги тенглик ўринли: $[M : N] = \|\Lambda_N^M\|^2$. Аммо, ҳақиқий ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

11-теорема. Агар $P \subset R$ – ҳақиқий факторлар бўлса, у ҳолда $[R:P] = \|\Lambda_P^R\|^2$, аммо P ва R ҳақиқий W^* -алгебралар ҳеч бўлмаганда биттаси фактор бўлмаса, у ҳолда $[R:P] \neq \|\Lambda_P^R\|^2$ ўринлидир.

Маълумки, $[M:N] < 4$ индексли ҳамма факторлар келтирилмайдиган факторлардир, яъни $N' \cap M = \mathbb{C} \cdot 1$. Индекси $[M:N] > 4$ бўладиган келтирилмайдиган қисм факторларни куриш анча йиллар давомида очик савол бўлиб қолган. Кейинчалик олимлар томонидан шу индексли мисоллар пайдо бўла бошлаган. 1990 йиллар орасида С.Попа, $\forall r > 4$ индекс учун N келтирилмайдиган қисм фактор мавжудлигини, индекси $[M:N] = r$ тенглигини кўрсатган ва қуйидаги саволни олдинга сурган: $[M:N] > 4$ индексли келтирилмайдиган гиперфинит қисм фактор мавжудми? Бу саволнинг жавоби ҳалигача очик ҳолдадир. Хусусий ҳолда бир неча мисоллар қурилган. Шунга ўхшаш, индекси $[R:Q] > 4$ бўлган бир нечта келтирилмайдиган ҳақиқий гиперфинит қисм факторлар қурилган.

12-теорема. Индекси 4 дан катта бўлган II_1 турли ҳақиқий факторнинг келтирилмайдиган ҳақиқий гиперфинит қисм факторлари мавжуд, хусусий ҳолда индекслар қуйидаги ораликқа тегишли

$$(4; 3 + \sqrt{2}), \left(4; (5 + \sqrt{13}) / 2\right) = (4; 4.302...) \text{ и } (6; 6.25).$$

ХУЛОСА

Ушбу диссертация ҳақиқий факторларнинг қисм факторлари ва уларнинг индексларини ўрганишга бағишланган

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳақиқий факторлар ҳамда қамровчи факторларнинг индекс тушунчалари орасидаги боғланишни ифодаловчи теорема исботланган ва чекли ҳақиқий факторнинг ҳақиқий қисм факторлари индексининг қабул қилиши мумкин бўлган қийматлари тўплами топилган.

2. Қамровчи фактор индекси учун ўринли бўлган хоссаларнинг баъзилари ҳақиқий ҳолда ҳам ўринли бўлиши исботланган ва ҳақиқий қисм факторлар учун ўринли бўлмаган хоссалар кўрсатилган.

3. Ҳақиқий қисм факторлар учун графлар куриш схемаси кўрсатилган ва бу графлар билан қамровчи қисм факторлар графлари орасидаги фарқлар аниқланган.

4. Юқоридан тўртга яқин индексли, чекли ҳақиқий факторларнинг келтирилмайдиган гиперфинитли ҳақиқий қисм факторлар мавжудлиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО**

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

БОЛТАЕВ ХАБИБЖОН ХАМИТОВИЧ

ПОДФАКТОРЫ ВЕЩЕСТВЕННОГО ФАКТОРА И ИХ ИНДЕКСЫ

01.01.01 –Математический анализ

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1. PhD/FM6.

Диссертация выполнена в Институте Математики.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу <http://kengash.mathinst.uz> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Рахимов Абдугофур Абдумаджидович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Арзикулов Фарходжон Нематжонович доктор физико-математических наук, профессор Зайтов Адилбек Атаханович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 46. Тел.: (+99871)207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 46. Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2021 года).

У.А.Розиков

Председатель Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К.Адашев

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.ф.-м.н., старший научный сотрудник

У.У.Жамилов

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире многие научные и практические исследования, проводимые в различных областях математики в большинстве случаев, приводят к задачам физических (динамических) систем и задачам квантовой механики, теория которых связана с теорией операторных алгебр. В частности, согласно этой связи, наблюдаемое данной физической системе соответствует линейный самосопряженный оператор, действующий в некотором гильбертовом пространстве H , а всякому состоянию рассматриваемой динамической системы соответствует матрица плотности, действующая в H . Поскольку операторные алгебры, в частности (вещественные и комплексные) C^* -алгебры и алгебры фон Неймана, являются именно такими математическими моделями квантовой механики и динамических систем, то каждый результат, поученный в этом направлении, имеет свою интерпретацию и применение в квантовой механике. Следовательно, теория операторных алгебр очень важна как в теоретическом, так и в практическом смысле и является одним из актуальных направлений современной математике.

В настоящее время во всем мире актуальной является задача индекса вещественных C^* -подалгебр и подалгебр фон Неймана, и свойства их соответствующих графов. Известно, что свойства индекса подалгебр фон Неймана (комплексных), их соответствующие графы и необходимое и достаточное условие существования Марковского следа хорошо изучено. Отметим, что индексы вещественных подалгебр фон Неймана, их соответствующих графов и построение примеров неприводимых гиперфинитных подфакторов конечного фактора с индексами, достаточно близких к 4 сверху, остается открытой. В связи с этим, определение индекса подфакторов вещественного фактора и их соответствующих двудольных графов считается целевым научным исследованием.

В нашей стране, особенно в последние годы особое внимание уделяется фундаментальным дисциплинам, в частности актуальным направлениям, которые имеют приложения к квантовой механике и физике. В частности, особое внимание обращено на развитие теории операторных алгебр, являющихся основным объектом математического моделирования и решения задач квантовой механики и математической физики. Так, значительные результаты были достигнуты в изучении свойств индекса подалгебр фон Неймана с использованием теории графов. Научные исследования на международном уровне по таким важным направлениям, как функциональный анализ, математическая и статистическая физика, в настоящее время являются основной задачей фундаментальных исследований¹. Развитие исследований комплексных и вещественных подалгебр фон Неймана, с использованием теории графов, играет важную

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года № 292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

роль и является основой для успешной реализации целей и задач указанного постановления.

Исследование данной диссертации в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистана», в постановлениях №ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математика имени В.Р. Романовского Академии Наук Республики Узбекистана» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» и в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

